

Тазкия дарслари (143-дарс). Ширк ва унинг турлари



17:00 / 03.07.2021 4674

Ширк Аллоҳ таолога хос бўлган сифатларда, исмларда, ишларда, ҳукмларда бўлмайди, балки Аллоҳ таолонинг зотида ҳам бўлади.

Ширкнинг шаръий тушунчаси – махлуқни Роббил оламинга беш ишдан бирида тенглаштиришдир. Яъни Аллоҳнинг зотида, сифатларида, исмларида, ишларида ва ҳукмларида шериғи бор деб эътиқод қилишдир.

Аллоҳ таборака ва таоло Шуаро сурасида мушрикларнинг қиёмат куни қиладиган эътирофлари ҳақида ҳикоя қилиб, шундай дейди:

نَبِّئِ الْمُشْرِكِينَ مَا لَكُمْ مِنَ اللَّهِ لَوْلَا يُعَذِّبُهُمْ رَبُّهُمْ أَفَلا تَعْقِلُونَ
نَبِّئِ الْمُشْرِكِينَ مَا لَكُمْ مِنَ اللَّهِ لَوْلَا يُعَذِّبُهُمْ رَبُّهُمْ أَفَلا تَعْقِلُونَ

«Аллоҳга қасамки, албатта, биз очиқ-ойдин адашувда эканмиз. Чунки сизларни оламлар Роббига тенглаштирар эдик» (97-98-оятлар).

Демак, мазкур беш ишдан қай бирида бўлса ҳам, бошқани Роббил оламинга тенглаштириш ширк ҳисобланади. (Муфтий Аъзамнинг «Маорифул Қуръон» китобидан.)

Ибодатда ширк келтириш.

Қуръони Каримда:

وَجَزَىٰ نَكَاحًا وَوَدَّاعًا لِّمَنْ كَفَرَ بِنِعْمَتِ رَبِّهِ لَا يَحْتَسِبُ لَهُ لُحْمًا يُذَقُّهَا إِنَّا لَأَنزَلُوهَا لِقَوْمٍ يَكْفُرُونَ بِالْحَقِّ

«Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, солиҳ амал қилсин ва Роббининг ибодатига ҳеч кимни шерик қилмасин», дейилган (Каҳф сураси, 110-оят).

Оятнинг далолат қилишича, ширк келтириш барча солиҳ амалларда, жумладан, сажда, тавоф, назр, рўза, ҳаж, нафақа, садақа каби барча жисмоний, молиявий ва каломий ибодатларда бўлади.

Ибодатда ширк келтиришдан қайтариш жамики анбиёлар даъватининг асоси ва самовий шариатларнинг мағизидир. Ҳар бир набий ва ҳар бир расул ўз қавмига:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الْمَلِكُ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا يَأْتِيهِ السُّبْحَانُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ لِيُخَبِّرَ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِرَبِّهِمْ أَنَّهُ لَسَاءَ مَا يَحْكُمُونَ

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқ», дегандир (Аъроф сураси, 59-оят)

Дуода ширк келтириш.

Қуръони Каримда шундай дейилган:

أَدْحِ أَوْبُكَ رِشْمًا لَوَّيَّ بَرِّ وَغَدَاً أُمَّنًا لِقُ

«Сен: «Албатта, мен фақат ўз Роббимга илтижо қилурман ва Унга ҳеч кимни ширк келтирмасман», деб айт» (*Жин сураси, 20-оят*).

أَدْحِ أَهْلَ الْعَالَمِ أَوْ غَدَتِ الْفَلَاحِ لِحَاسِمِ الْجَانِّ

«Албатта, масжидлар Аллоҳникидир. Бас, Аллоҳдан билан бирга ҳеч кимга дуо қилманг» (*«Жин» сураси, 18-оят*).

نَلِضْرًا لَأَوْتِ أَوَّامٍ سَلَّابَرِ أَنْبَرِ أَوْلَاقِ ذِمَّوْبِ وُلُقِ عِلَعِ أَنْطَبَرِ وَاَطْطَشِ إِذِ أَنْلُقِ دَقَلِ أَهْلِ وَاُونُودِ نَمَّوْغِدِّ

«Роббимиз осмонлару ернинг Роббидир. Ундан ўзгани ҳаргиз илоҳ дея дуо қилмасмиз. Агар шундай қилсак, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз» (*Каҳф сураси, 14-оят*).

نَوُكْرِشْتِ أُمَّنَ وَسَنَتَ وَاَشْ نِإِيْلَ نَوُغِدَتِ أُمَّ فَشِكَيْفَ نَوُغِدَتِ هَايِ لَب

«Йўқ! Фақат Унгагина илтижо қилурсиз. У эса хоҳласа, сиз дуо қилган нарсага кушойиш берур» (*Анъом сураси, 41-оят*).

Имом Валиюллоҳ Деҳлавий айтади: «Дуодан мурод тафсирчилар айтганларидек, ибодат эмас, балки ёрдам сўрашдир. Чунки Аллоҳ Қуръони Каримда: «Йўқ! Фақат Унгагина илтижо қилурсиз. У эса хоҳласа, сиз дуо қилган нарсага кушойиш берур», демоқда. (*«Хужжатуллоҳил Болиға», 1-129*).

Банданинг тоқатидан ташқари нарсаларда, оддий сабаблардан устун нарсаларда Аллоҳдан бошқадан нусрат ва ёрдам сўраб дуо қилиши ширк бўлиб, бу иш инсонни тавҳид соҳасидан чиқариб, куфр доирасига киритади.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди